

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166 (11.227)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

Тошкентда хунарманд усталар ясаган буюмларнинг кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмада юртимиз хунармандлари ўз ижод намуналари билан иштирок этди.

Кибрай туманида Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда фахрийлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилотиде «Яшил лойиҳа: Афинадан Пекингача энергетик йўллар-2008» лойиҳаси иштирокчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Лойиҳа қатнашчилари Афинадан Пекингача бўлган йўлни Туркия, Грузия, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозғистон орқали босиб ўтишади.

Қарши даштидаги Нуристон шаҳарчасида 645 ўринли sanoat-energetika kasb-xunar kolleji қурилиши ниҳояланмоқда. Ушбу маскани Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Умумий қиймати 2 миллиард 300 миллион сўмлик бино қурилишини «XXI аср» хусусий корхонаси бунёдкорлари амалга оширишмоқда.

Бухоро шаҳрида қовун сайли бўлиб ўтди.

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари билан биргаликда 2008-2012 йилларга мўлжалланган спорт дастурини ишлаб чиқди. Мазкур ҳужжат вилоятда жисмоний тарбия ва спортни янада оммавийлаштиришни кўзда тутати ҳамда спорт иншоотларининг моддий-техник базасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мустақиллик байрами арафасида Гулистон шаҳрининг «Аҳиллик» маҳалласида бирварақайга 300 нафар болақай спортнинг мини-футбол, волейбол, баскетбол, югуриш турлари билан шуғулланиш имкониятига эга ўйингоҳ фойдаланишга топширилди. Қурилишнинг асосий қисмини маҳаллада истиқомат қилувчи тадбиркор ва ишбилармонлар амалга оширишди.

ЖАҲОНДА

Шимолий Кореяда ёпилиши лозим бўлган ядро иншоотларидан яна фойдаланила бошланди. ҚХДР ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида кўра, расмий Пхеньянинг бундай йўл тутишига АҚШнинг Шимолий Кореяни терроризмни қўллаб-қувватловчи давлатлар «қора рўйхатидан» ўчириб ташлаш ниятида эмаслиги сабаб бўлган. Зеро, жорий йилнинг 11 августиде АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Шимолий Корея бу рўйхатдан чиқариб ташланмаслигини билдирган эди.

Греция «Жанубий оқим» газ ўтказгичини қуриш тўғрисидаги битимни ратификация қилди.

Кеча ўтказилган жаҳон биржаларидаги савдоларда нефтнинг нархи озгина ошганлиги кузатилди. Хусусан, Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 114,63 доллар, Нью-Йоркда эса 116,27 доллар миқдориде қайд этилди.

АҚШнинг Колорадо штати Денвер шаҳрида мамлакат президентлигида даъвогар Барак Обамага суиқасд уюштиришни режалаштирган гуруҳ қўлга олинди. Маълумотларга кўра, гуруҳ тўрт нафар кишидан иборат бўлиб, федерал қидирув бюроси ходимлари жиноятчиларни қўлга олиш вақтида уларнинг турар жойидан снайпер милтиғи, рация қурилмаси, зирхли нимча, ниқоб ва Денвердаги стадион харитасини топишган.

Қариб денгизига «Густав» номили тропик довул яқинлашмоқда. Табиий офат ҳар сонияда 36 метр тезликда ҳаракатланаётган бўлиб, тез орада у Гаитига кириб келиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, ўтган ҳафта Гаитига хуруж қилган «Фэй» тўғрисида 50 киши ҳаётдан қўз юмган, юзлаб одамлар бедарак йўқолганди.

Ҳиндистоннинг Бихар штатида рўй берган сув тошқини натижасида ҳудуддаги 417 та қишлоқ аҳолиси хавфсиз жойларга қўчирилди. Тошқинлар ҳозиргача 50 га яқин кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Жанубий Африканинг Пайнтаун шаҳрида рангли металл ўғрилари тарихий аҳамиятга эга бўлган черков қўнғирогини ўғирлаб кетишди. Ушбу катта қўнғирок 200 йил олдин Шотландияда осилган, кейинчалик эса Жанубий Африка руҳонийси Иоаннга совға тариқасида юборилганди. Ҳозирда ушбу қўнғирокни қидириш ишлари кескин қучайтирилган.

Германияда Шимолий Европадаги энг йирик оромгоҳни қуриш режалаштирилмоқда. Маълумотларга кўра, мазкур дам олиш масканини бунёд этиш учун 733 миллион евро миқдориде маблағ сарфланади. Лойиҳага мувофиқ ҳудуди 170 гектар майдонда меҳмонхоналар, гольф майдончалари, стадион ва савдо марказлари қурилади. Ушбу улкан оромгоҳни 2012 йилда ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.

Юнусов Мираҳмад Пўлатович — Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ» Номозов Махмуд Алматович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ» Ражабов Мурод Ёдгорович — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, киноактёр

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ» Бакиров Обиджон Собижонович — «Рассом» ижодий ишлаб чиқариш корхонаси рассоми

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ» Иброҳимовна Муҳаррам Неъматовна — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ёғоч уймакони

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ХОФИЗИ» Иброҳимов Абдунаби Бегимкулович — Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА» Абдуазизова Назира — Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходими

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ» Сулаймонов Рустам Ҳамидович — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Археология ва этнология кафедраси профессори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА» Абдуазизова Назира — Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходими

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА» Сулаймонов Рустам Ҳамидович — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Археология ва этнология кафедраси профессори

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

26 АВГУСТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисида молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза қилди. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов мазкур масала бўйича қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳисоботнинг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, Давлат бюджети жорий йилнинг биринчи ярмида профицит билан ижро этилди, мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошган. Фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларини техника ва технология жиҳатидан модернизациялаш бўйича амалга оширилган чоралар миллий иқтисодиётнинг жўшқин ривожланишига қўмаклашди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҲАМ БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 17 йиллик ялпи мажлиси 2008 йил 28 август кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шўхратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Абдуллаева Сиёсатхон — Олтинқўл туманидаги «Олтинқўл водий гулшани» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти Бахромова Исахан Насирович — Ангор туманидаги «Саид-носирхон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти Каримов Эгамберган Каримович — Урганч автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи директори, Хоразм вилояти Сойибов Фархат Яхшиевич — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг цех бошлиғи


Хожаниязов Гайратдин — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, археология ва этнография институтининг археология бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 26 август



Каримов Эгамберган Каримович



Сойибов Фархат Яхшиевич



Хожаниязов Гайратдин

ЮРТИМИЗДА ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ НАСИМЛАРИ КЕЗИБ ЮРГАН ШУ ШУКУҲЛИ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАММАТИНИНГ ҚЎШИНИ БАРЧАМИЗНИНГ ҚЎЛГА ОЛИШИГА ТЎЛДИРИДИ. ЖАҲОННИНГ 204 МАМЛАКАТИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТГАН МАЗКУР ХАЛҚАРО СПОРТ АНЖУМАНИДА СПОРТЧИЛАРИМИЗ ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМО ҚИЛДИ. УЛАР БИР ОЛТИН, 2 КУМУШ, 3 БРОНЗА МЕДАЛИНИ ҚЎЛГА КИРИТИБ, ЮРТИМИЗГА ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИДИ. 26 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА ПЕКИН ОЛИМПИАДАСИ СОВРИНДОРЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ КУТИБ ОЛИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ «МАРОСИМ БЎЛДИ».

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ БАХТИ

Ўзбекистон XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олди

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимиз спорт жамоатчилиги вакиллари, олимпиадаларимизнинг ота-оналари ва яқинлари, спорт мухлислари йиғилди. Карнай-сурнай садолари янгради. Даста-даста гул тугган юрtdошларимиз чуқур ҳаяжон, чексиз қувонч ва фахр билан спортчиларимизни қутлашга чоғланди...



Ўзбекистон спортчиларининг Пекин Олимпиадасидаги иштироки ва эришган муваффақиятлари замирида, аввало, юртимиз мустақиллиги ва Президентимиз Ислам Каримов томонидан мазкур соҳа ривожига қаратилаётган улкан эътибор ва гамхурилик муҳассам. Айнан истиклол шарофати билан, ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек, спортни ҳам жадал ривожлантириш, ўзбек спортчиларининг нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш имкони яратилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки кунларида-ноқ мамлакатимизда эркин демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуқ, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни

камолга етиши учун улкан куч ва имкониятлар сафарбар этилди. Бунинг самараси ўларок, юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч бошқилиқ улуксиз спорт тизими — «Умид ниқоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари бера-

(Давоми 2-бетда).

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ» Матёқубов Камол — «Ўзбекистон» телеканали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлар муҳаррири...

Аманмуродова Акгуль Чариевна — Теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси
Дониёр Тўлашбой Ашуралиевич — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари...

Мирзохидов Мирсобир — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телерадиокомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари
Митанов Холмурод Абдурашулович — «Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи» муқовалаш цехининг қолбас участкаси бригадери
Низов Равшан Шоюсулович — «Устазода» корхонаси ганч ўймаkori
Раҳимжон Мамрабаб Ёқубовна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи машинисти



Кенг Джа Мин:

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИ ТАНЛАГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ОҒИШМАЙ БОРАЁТИР

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИК АРАФАСИДА ЎЗА МУХБИРИ КОРЕЯ RESPUBLIKASINING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВКУЛОДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ КЕНГ ДЖА МИН БИЛАН СУХБАТЛАШДИ.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболни қандай баҳолайсиз?
— Ўзбекистон — улкан имкониятларга эга мамлакат. Корей Республикаси дўст Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ БАХТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртдошларимиз Пекин Олимпиадасида ҳам зафар олиб келди. Бунда юртимизда спортчиларимизнинг Олимпиадада тайёргарлик кўриши учун барча қўлайликлар яратилгани муҳим омил бўлди.
Хусусан, уларнинг маҳорати ва тажрибасини ошириши учун халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда қатнашгани, хорижий давлатларда ва юртимизда ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этилди. Спортчиларимизнинг юқори спорт тайёргарлигини таъминлашга қўмақлашувчи илмий-услубий, тиббий-биологик тадқиқотлар ўтказилди.

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ПАВИЛЬОНЛАРИ ВА ОЧИҚ КЎРГАЗМА МАЙDONларИДА ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ ШОДИЁНА — МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИК АРАФАСИДА «EXPO.UZ 08» КЎРГАЗМАСИ ЎЗ ИШНИ БОШЛАДИ.

КЎРГАЗМАЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Ушбу кўرғазма экспозицияси кузги кўрғазмалар мавсумини бошлаб бериб, муваффақиятлардан дарақ бериб турибди. Яна таъкидлаш керакки, мазкур кўрғазмада ўтган йиллардаги қарағанди ички ва ташқи бозорда ўз маҳсулотлари билан муваффақият қозонаётган кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари сафининг кенгайганидир. Уларга Республика Таъкидоти Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг таъкидоти ҳам широк ҳаққоният берди. Бунинг натижаси ўлароқ кўрғазма якунига аниқ экспорт битимлари имзолашни кўтиряётган.



Кўрғазма маънавий рақс театри солисти Шин Аргелина Васильевна — Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори
Эшонкулов Маҳмуджон — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, расом
Ўрмонов Турсунали — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси, шоир
Фуломова Гулнора Ўринбоевна — Ўзбекистон давлат табиат музейи бош фонд сакловчиси

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлиқни мустақамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ҳолатини қарор топтириш бора-бордаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қўйидагилар мукофотланди:
«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Власов Дмитрий Геннадьевич — «Ўзбекифильм» киностудияси мультфильмлар режиссёри

Олим ТўРАКУЛОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Шариға ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: «EXPO.UZ 08» КЎРГАЗМИДА ВАХШАЛАР
Максим Черноғоев олган сураТлар

ОМОНАТ СОЛИҚҚА ТОРТИЛМАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗ БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ БОИС УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОРЛИГИ ТОБОРА МУСТАҲҚАМЛАШМОҚДА. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР БУНДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Бугунги кунда юртимизда ўттизга яқин банк фаолият юритаётди. Жойларда тижорат банкларининг саккиз мингдан ортиқ филиали ва бўлиналари мижозлар хизматида. Мижоз банк талаш, пул маблағларини бир неча банкдаги ҳисобварақларда сақлаш ва ўз маблағларини, қаерда жойлашганидан қатъи назар, банкнинг исталган филиалидан олиш ҳуқуқига эга.

Сўнги йилларда тижорат банклари томонидан икки юздан ортиқ жозибали депозит турлари татбиқ этилди. Натижада аҳолининг тижорат банкларидagi маблағлари йил сайин ошмоқда. Айтиш жоизки, айрим давлатлардаги банк муассасаларининг ҳар бирига 20 минг киши тўғри келса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 5 минг кишини ташкил этади. Бу ривожланган мамлакатлардаги шундай кўрсаткичга деярли тенг, демакдир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 20 февралда "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини

таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинганидан сўнг банкларнинг аҳолига хизмат кўрсатиши янада яхшиланиб, аҳолининг банк хизматлари, хусусан, омонатларга бўлган қизиқиши янада ўса бошлади.

Зеро, мазкур ҳужжатда аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни муттасил рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Банклар жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, улар бўйича амалга ошириладиган операциялар хусусида банк сирини сақлашни кафолатлаши шартлиги алоҳида қайд этилган.

Банк сирини ҳисобланган маълумотларни ноқонуний ошқор этгани ёки унинг шахсга бергани учун айбдор деб топилган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Маблағлар нақд пул шаклида ҳам, омонатларнинг хорижий банклардаги шахсий ҳисобварақларидан пул ўтказиш йўли билан ҳам

кўйилиши мумкин. Бунда нафақат қўйиладиган маблағларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги декларация, балки бошқа ҳужжатларни тақдим этиш ҳам талаб қилинмайди. Уларнинг учинчи шахслар томонидан сўраб олиниши, суриштирилиши қатъиян тақиқланган.

Хозирги кунда омонатларни қабул қилиб олаётган ва сақлаётган банклар мижозларининг биринчи талабидаёқ уларнинг ҳисобварақларидаги маблағларни ҳеч қандай тўсиқсиз берилишини таъминламоқда. Бу борада муаммага ўрин қолмаслиги учун аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилган.

— Фармонга мувофиқ жисмоний шахслар томонидан қўйилган пул маблағлари жорий йилнинг 1 апрелидан 2009 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқ органлари томонидан текширилмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси бўлими бошлиғи Жўрабек Фойибов.

— Чунки улар барча турдаги солиқлардан ва мажбурий тўловлардан

озод этилган.

Бу имтиёз фуқароларимизнинг ўз даромадларини кўпайтириши учун яратилган қулай шароит бўлиб, ундан самарали фойдаланиш юртдошларимиз фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади. Бундай имконият барча давлатларда ҳам мавжуд, деб бўлмайди.

Мамлакатимизда эса бу борада ҳам фуқароларга кенг имтиёзлар берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддасига кўра, жисмоний шахсларнинг депозит сертификатлари бўйича даромадлари, тижорат банклардаги омонатлари ва давлат ҳазина мажбуриятлари бўйича солиқларига ҳамда ютуқларига солиқ солинмайди.

Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимиз иқтисодиёти-ни юксалтириш борасида изчиллик билан амалга ошириладиган ислохотлар бераётган юксак самаралардан-дир.

Норгул Абдураимова,
ЎзА мухбири

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ДАСТАБКИ КУНЛАРИДАНОҚ АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА СОҲАНИНГ МУНТАЗАМ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛДИ. ЧУНКИ, ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИДАН БИРИ — БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДА ЭРКИН РАҚОБАТГА АСОСЛАНГАН МУЛКЧИЛИКНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИ, АЙНИҚСА, ХУСУСИЙ МУЛКНИ КўПАЙТИРИШ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

ЭРКИН ФАОЛИЯТ — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Мамлакатимизда қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро миқёсда тан олинган андозаларга мувофиқлаштириш бўйича кучли давлат сиёсати олиб борилаётган бир даврда солиқ идоралари зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилганлиги бежиз эмас. Шу билан бирга иқтисодий ислохотлар жараёни солиқ тизимининг етакчи қуча айлиниб, ҳуқуқий асосларга ҳамда адолатли принципларга таяниши лозимлигини тақозо этмоқда. Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан эътиборга моликдир.

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш юзасидан барча солиқ идоралари қатори Ҳамза тумани ДСИ ходимлари ҳам ўз олдларига бир талай вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўйишган. Қабул қилинаётган ҳар бир Фармоннинг моҳиятини солиқ тўловчиларга тўла тушунтириш мақсадида туман ДСИ оммавий ахборот воситалари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Туманда ҳужжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бухгалтерлари иштирокида 28 га яқин семинар йиғилишлари ўтказилиб, юқорида келтирилб ўтилган Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳақида уларга тўлиқ тушунтириш берилди. Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар Ҳамза туман ҳудудий комиссияси ишчи гуруҳи томонидан Фармонда белгиланган микрофирмаларга 4 йил ва бошқа ҳужжалик юритувчи субъектларда 3 йил ва янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларда икки йилгача текширув ўтказилмаслиги, бошқа танлов мезонларига амал қилган ҳолда текширувларни қисқартириш ва текширувлар тизимини қайта қўриб чиқиш натижасида жорий йил текширишлар режа-жадвал лойиҳасининг сони ўтган 2007 йилга нисбатан 12 фоизга камайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини ривожлантириш борасида қабул қилинаётган ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат бу соҳани янада тараққий эттириш учун хизмат қилади.

Зиёвуддин ЭРГАШЕВ,
Ҳамза тумани ҳудудий комиссияси котиби

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодий ўсиш аҳоли реал пул даромадларининг ошганлиги туфайли юзага келган ички талаб, шу жумладан, истеъмол бозоридagi талаб билан ҳам қўллаб-қувватланди. Бизнес зиммасидаги солиқ юкунин пасайтириш бўйича қўрилган чоралар иқтисодиёт хусусий секторидagi корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кўпайтиришга кўмаклашди, натижада уларнинг самардорлиги ошди. Мамлакатнинг Давлат бюджети соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларини, «Ёшлар йили» Давлат дастурини эътиборга олишга қўллаб-қувватлашдан иборат аниқ ижтимоий йўналишга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама якуналари бўйича депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ярим йиллик якуналари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилдилар.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида-ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов тақдим этди. Ушбу ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилганлиги муносабати билан киритилмоқда. Муҳокама чоғида баён этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

(ЎзА)

Алоқа

ОММАБОП ЛУГАТ

«АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ВА УЗАТИШ ТИЗИМЛАРИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ИЗОҲЛИ ЛУГАТИ» КўП НУسخАДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан босмага тайёрланган ушбу янги нашр давлат тилида республикамизда биринчи бор чоп этилди.

Луғат алифбо тартибда келтирилган 1400дан ортиқ атама ва таърифларни ўз ичига олган. Русча-Ўзбекча тиллардаги сўз ва ибораларнинг қиёсий ифодаси ҳам тушунарли бўлиб, фойдаланувчиларга қулайлик туғдиради.

ИСТИҚБОЛЛИ ТИЗИМ

ЎЗБЕКISTON АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҲУЗУРИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН ЁШ ДАСТУРЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН МАСОФАДАН ҲИСОБА ОЛИШ ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

Энергетика, нефть-газ мажмуаси, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун мўлжалланган мазкур тизим ёш дастурчилар изланишларини янада яхшилашда ҳам қўл келади.

Янги тизим алоқа тармоғининг яна қатор йўналишларига ҳам татбиқ этилади.

Тиббиёт

ШИФОХОНАЛАР СОНИ КўПАЙДИ

«БОЛАЛАРГА МЕҲР-ОҚИБАТЛИ БўЛАЙЛИК» ДЕГАН ТИББИЁТ ҲАРАКАТИ КЕНГ ҚўЛЧ ОЎЗМОҚДА. АНА ШУ ЖАРАЁНДА «ЎДАКЛАРГА ДўСТОНА МУНОСАБАТ» ДЭБ НОМЛАНГАН ШИФОХОНАЛАР ТАШКИЛ ТОПАЁТГАНИ ҲАМ ҚУВОНАРЛИДИР.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан бошланган бу сайъ-ҳаракат чақалоқларни она сuti билан озиқлантиришни таъминлашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хозирнинг ўзида бундай фахрли номга эга бўлган болалар шифохоналари сони 100 тадан ортиб кетди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси эса бундай хайрли ишни оммалаштиришга тўхтай олиб тиббий негиз яратилди. Дегаи тўпلامни босмага тайёрлади ҳамда у қўп нусхдада чоп этилди.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА

ЎЗБЕКISTON ГЕМАТОЛОГИЯ ВА КОН ҚУЙИШ ИНСТИТУТИДА КИМЁТЕРАПИЯ ЙўНАЛИШИДА ҲАМ ДАВОЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. АЙНИҚСА, БУ БОРАДА ЯНГИ УСУЛНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР САМАРАЛИ БўЛМОҚДА.

Илмий муассаса биринчи гематология бўлимининг бу борадаги изланишлари туфайли хомиладор аёлларнинг фарзанд қўришлариغا мустахкам тиббий негиз яратилди.

Россиянинг Гематология маркази, Туркиядаги Байандир шифохонасида орттирилган бой тажрибалар бўлимда лейкоз касаллигини даволашни йўлга қўйиш имконини берди.

ИМТИЁЗЛИ ЙўЛЛАНМАЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ВИЛОЯТ КўП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ БЕМОРЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВА ДАВОЛАШГА ЙўЛЛАШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

Аҳолига кўрсатилаётган юқори малакали тиббий хизмат сифатини янада оширишга қаратилган бу жараён беморларни амбулатория ва стационар шароитларда бепул даволашга юбориш учун ажратилган йўлланма ордерлар сонини ошириш имконини беради.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги махсус буйруқ чиқариб, ордер бериш тартибин йўлга қўйиш тадбирларини белгиледи.

Марказларга бюджетдан қўллаб маблағлар ҳам ажратилади.

Акбар АЛИЕВ

ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИНСОН УЧУН ЭНГ КАТТА БОЙЛИК — БУ УНИНГ САЛОМАТЛИГИДИР. АЙНИ КУНЛАРДА МАҲАЛЛАЛАРДА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, АҲОЛИ ўРТАСИДА СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ ўТКАЗИЛМОҚДА.

тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадаси шифокорлари туман соғлиқни сақлаш тизими ҳамкорлигида маҳалладаги кам таъминланган, кўп болали, туғиш ёшидаги аёллар, ўсмирлар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказмоқдалар. Педиатр Ш.Раҳмонова, аёллар шифокори Г.Ўразниязова, терапевт З.Му-

сахўжаева, тиббий-ижтимоий ходим М.Раҳимова ҳамда «Дори-дармон» ҳамшираси М.Абидовалар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб, ёрдамга муҳтож беморларга хайрия сифатида дори-дармонлар тарқатишди,

— дейди биз билан суҳбатда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Собир Раҳимов тумани раҳбари Маъсуда Тошпўлатова. — Жамғармамиз жорий йилнинг 16 июлидан шу кунга қадар туманнинг 17 та маҳалласида ана шундай тадбирларни ўтказди. Олдиндаги режамизда эса, яна 41 та маҳалла бор.

Тадбирда Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ходимаси Ҳамида Холматова соғлом турмуш тарзи (рационал овқатланиш, меҳнат ва дам олиш, спорт, зарарли одатлар-



дан сақланиш), аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ҳамда оила-да соғлом турмуш тарзини ривожлантириш борасида аҳолига керакли тавсияларни берди.

Мухлиса МУХИТИДИНОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали матбуот котиби
СУРАТЛАРДА: «ИСТИҚЛОЛ» МАҲАЛЛАСИДА БўЛИБ ўТГАН ХАЙРИЯ ТАДБИРИДАН ЛАВҲАЛАР.

ЁШЛАР ТЕАТРИДА ЯНГИ МАВСУМ

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ТЕАТРИ ЯНГИ МАВСУМНИ «ЕТТИНЧИ ТАРИХ» МУСИҚАЛИ СПЕКТАКЛЬ БИЛАН БОШЛАШНИ РЕЖАЛАНТИРГАН.

Сентябрнинг иккинчи ярмида очилган янги мавсумга тайёрларлик кўнгилдагидек кетяпти. Театр жамоаси ушбу мавсумда театр ихлосмандларига машхур рус ёзувчиси Лев Толстойнинг «Холстомер» асари асосида саҳналаштирилган спектаклни ҳам нажойиш этишни кўзда туттишмоқда. Театр жамоаси бу саҳна асари билан олти халқаро фестивалларда муваффақият-

ли иштирок этишган. Таъкидлаш лозимки, театр жамоасининг ёш ва иқтидорли актёрлари кўплаб фестивал ва танловларда Ўзбекистон театри мактабининг ўзига хос жиҳатларини муносиб намойиш қилиб келишмоқда. Жумладан, Г.Сулаймонова, Н.Ўқтамова, А.Цой ва А.Кондратенколар МДХ давлатлари театрларининг ёш актёрлари ўртасида сентябрь ойида Сер-

ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲА

ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТ-БАНДИК ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА БМТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИНИНГ ЎЗБЕКISTONДАГИ ДОИМИЙ ВАКИЛЛИГИ БИЛАН АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, НОГИРОН ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДОИРАСИДА ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ.


Лойиҳа мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш борасида 2007-2008 йилларда қабул қилинган қарор ва қонунларга муштарак бўлиш қаторида, уларнинг ижросига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

— Ушбу лойиҳа, яъни «ACCESS» Тараққиёт дастури томонидан кенг қамровдаги дастурларнинг дастлабкиси, — дейди БМТ қошидаги Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Э. Мурат. — Қувончлики эса, ногиронларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг барча қатори яшашлари-га имкон қадар шароит яратиш борасидаги сайъ-ҳаракатларга республика меҳнат-бандлик ва аҳолини ҳимоя қилиш вазирлигининг бош қўшганлигидир. Чунки, вазирлик бу соҳада улкан тажриба ва имкониятга эга. Шунингдек, лойиҳага

нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳам катта қизиқиш билан қараётганлиги ишимизни осонлаштиради.

Лойиҳанинг асосий мақсади, ногирон кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш, кенг жамоатчилик фикрини ногиронликка қараш ва муносабатларини ўзгартириш, бу борада амалдаги қонунлар ижросини мустахкамлашдан иборатдир. Шунингдек, ногирон кишиларнинг сийёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Лойиҳа дастлаб 2008 йилдан 2010 йилгача муддатда Тошкент, Самарқанд, Қашқадарь вилоятларида амалиётга татбиқ қилинади. Бунинг учун 415 минг АКШ доллари миқдорига маблағ ажратилади. «Туркисон-пресс»



Навбатдаги ана шундай тадбирлардан бири Собир Раҳимов туманининг «Истиклол» маҳалласида бўлиб ўтди.

— «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЎЗЛУКСИЗЛИГИ ВА ДАВОМИЙЛИГИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАН. БУ ЙўНАЛИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ БИЛИМ МАСКАНЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ, УЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИНИ ЯНАДА БОЙИТИШ, ТАЛАБАЛАРНИНГ ҚИЗИҚИШИ ВА ҚОБИЛЯТИГА КўРА КАСБ ТАНЛАШГА ЯҚИНДАН КўМАКЛАШИШ КАБИ ЭЗГУ ЮМУШЛАР СОҲАНИНГ БАРЧА БўГИНЛАРИДАГИ ўҚИТУВЧИЛАР МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАШ, УЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ БИЛАН УЙГУН ТАРЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТИР.

РАҒБАТ ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 24 июлда қабул қилинган "Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кўчатириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир. Мазкур қарор таълим-тарбия сифатини оширишда олий таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмининг жорий этиш, юртимиз иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатбардор кадрларни тайёрлашда профессор-ўқитувчилар қўшаётган ҳисса муносиб баҳолашни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорга кўра, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим устурага ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ЎзА мухбирига маълум қилишарикча, таълимнинг мазкур бўғини ходимлари — кафедра мудири, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар ва ассистентларнинг базавий лавозим маошлари миқдорини шакллантиришда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта

ҳисобда 1,2 баробар оширилиши билан бир қаторда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва раҳбар ходимларига жорий этилаётган базавий лавозим маошларининг ўртача 25 фоиз миқдориди, жами 1,5 баробарга оширилди.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва раҳбар ходимларининг лавозим маошлари алоҳида иш шароити, хорижий тилларни билиши, муайян хизматни адо этганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақ тўлашнинг амалдаги турлари ва миқдорлари сақлаб қолинади.

Бугунги кунда олий таълим тизимини янада яхшироқ қилиш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг меҳнати ёшларга таълим-тарбия бериш боросида илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича самарали изланиш ва тадқиқот олиб бориш, таълим, фан, ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий ҳамкорликни таъминлашда намойиш бўлаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг янада такомиллаштирилиши ўқитувчиларнинг ўз устиди ишлаши, ижодий изланиши, моддий фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарори олий таълим тизимига ёш ўқитувчиларнинг янада кўпроқ қўшилишига, таълим-тарбия ишларининг сифат ва самара-

дорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этади. Қарорда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш учун бир ўқув йилида давлат бюджетининг ҳисобидан қўшимча 12 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланишининг ўзи давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган эътиборнинг нечоғли юксаклигидан далolat-дир.

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимининг жорий этилиши профессор-ўқитувчилар фаолиятининг сифат жиҳатдан янада яхшиланиши, соҳа ходимларининг кайфияти, иш унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

— Президентимиз қарорига мувофиқ олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилиши тизимда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва раҳбар ходимларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим омил бўлади, — дейди Урганч давлат университетининг ректори Рўзимбой Эшчонов. — Айтиш мумкин, бу жараён таълим-тарбия ишларини янги, янада юқори поғонага кўтаришга, юртимиз иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатбардор кадрлар тайёрлаш ишининг янада яхшиланишига, соҳага изланувчан, ташибускор ёш кадрларнинг жалб этилишига хизмат қилади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ОГАҲИЙ ХИКМАТЛАР

Бори олам элининг шуму бадбахти ул одамдур — Ки, бухлу хиссату кибру ҳасад ондин бўлур воқеъ.

Агар жамъ айласа юз ганж хиссат бирла Қорундек, Яна эл молини айлар тамаъ, бўлмай анго қонеъ.

Ўзи худ бермагай умрида бир муҳтожга бир нон, Берур элга доғи бўлғой камоли сайъ ила монеъ.

Онингдек шумнинг дийдорини кўрмаслик авлодур — Ки, онинг шомати кўрган кишининг ҳам қилур зоеъ.

Эй кўнгул, кимсаким сани севмас, Қоч онинг теграсига айланма.

Ки насиҳат қилурда ўтканлар Дедилар : "Севмаганга суйканма".

Сипоҳийки, юз урса ғайлат анго, Етиб ҳар тараф хайли офат анго.

Аду илқиға мубтало бўлғуси, Бори молу бошдин жудо бўлғуси.

Басо хайли душман киши зўр даст, Топиб ғафлат ила адудин шикаст.

Басо лашкари ожизу ҳазмдар, Чикорибдурур зўрлардин дамдор.

Эътимод этма бевафо сўзига, Дўстлиг бирла боқмағил юзига.

Шум эрур ҳайъатию дийдори, Майл кўргузмағил онинг сори.

Кичикликда адл айламак иртиқоб, Бил осори иззу жалолатдурур.

Ситам расмини айламак муъадам Жаҳонда нишони талофатдурур.

Ҳар киши душман қадимининг Илтифотиға гар кўнгул боғлар.

Тездурким ебон пушаймонлиг, Бағрини ҳасрат ўтиға доғлар.

Кишиким ямонлиг эрур шеваси, Келур ҳар нафас бошиға юз бало.

Жалойи ватан айлаб они фалак, Қилур ғурбат андуҳиға мубтало.

Эй кўнгул, яхшилиғни қил пеша — Ки, ямонлиг эрур ямонга жазо.

Кимки тарк айласа ямонлиғни, Бўлур, албатта, яхшилиғға сазо.

Фалак гардишин кўрки офоқ аро, Кўёшни қаро ерга ҳамвор этар.

Жаҳон дунлиқин кўрки фарқ этмайин, Гўҳарни хазафдин баса хор этар.



Болажонларимиз ёғи таътилни мароқли ўтказмоқдалар Хусанбой Аввалов олган суратлар



Фестиваллар

МУСТАҚИЛЛИК, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДА КЎПЛАБ БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ, ТАНЛОВЛАР ҲАМДА ФЕСТИВАЛЛАР ШОДИЁНА ВА КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА. КУНИ КЕЧА ЭНГ СЎЛИМ ВА ФАЙЛИ МАСКАНЛАРДАН МИРЗО УЛУБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОГИДА «МУСТАҚИЛЛИК, ЭКОЛОГИЯ ВА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ» ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛГАН ЭКОФЕСТИВАЛЛАР МАРАФОНИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ ҲАМ КАТТА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИГА АЙЛАНДИ.

«Экосан» халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофиза қилиш Давлат қўмитаси, «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур экофестиваль мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан ўтказилди. Тадбирнинг тантанали очилишида «Экосан» халқаро ташкилотининг раиси Юсуф Шодиметов

сўзга чиқиб, мазкур экофестивални ўтказишдан асосий мақсад ва унинг ғояси ҳақида сўз юритиб, жумладан шундай деди.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур экофестивалдан кўзланган асосий мақсад, мустақиллик йилларида мамлакатимизда табиатни муҳофиза қилиш, халқ саломатлигини сақлаш, ободонлаштириш ва кўкка ламзорлаштириш, умуман экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқ ва натижаларни халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилишдан

иборат. Айтиш жоизки, Ўзбекистон барча собиқ иттифок давлатлари каби ишлаб чиқариш учун катта миқдорда энергия ва материаллар сарф этишни талаб қиладиган, эскирган ва атроф-муҳитни ифлослантирадиган жихозлар ва технологияларга эга иқтисодийни мерос қилиб олган эди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида экологик вазиятни яхшилаш, барқарор ривожланиш тамойилларини қарор топтириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди ва бу йўналишда сезиларли натижаларга эришилди. 17 йил ичида барқарор ривожланиш йўлида қўлга киритил-

ган ютуқлар таҳлили сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маиший ва саноат чиқиндилари бошқаруви, биологик хилма-хилликни сақлаш, умуман, барқарор ривожланиш шароитларини яратиш каби муаммоларни ҳал қилишдаги фаолият ривожланганлигини кўрсатди.

Экофестивалда атроф-муҳит муҳофизаси, табиий ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда саноат, энергетика ва аграр соҳаларда экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш борасида эришилган ютуқ ва натижаларни

акс эттирувчи кўрғазмалар 40 дан зиёд ташкилотлар томонидан ташкил қилинди. Тадбирда Тошкентда ўтказилган «Энг намунали маданият ва истироҳат боғи» танловининг ғолиби Эълон қилинди. Танлов ғолиби деб Мирзо Уллубек номидаги маданият ва истироҳат боғи топилди. Шу кунги Экофестивалда намойиш қилинган турли хил кўрғазмалар, эстрада хонандалари ижросидаги қувноқ куй-қўшиқлар, шўх рақслардан иборат бўлган байрамона концерт дастури халқ сайли билан якун топди.

Дилором ИКРОМОВА

АРАНЧИДАГИ РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ АВИАЦИЯ КЛУБИДА ШУ ЙИЛНИНГ 21-25 АВГУСТ КУНЛАРИ СПОРТНИНГ ЭРКИН УЧАР ВА РАДИОВОШҚАРУВЛИ АВИАМОДЕЛЬ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ УЧУН МУСОБАҚАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

РЕСПУБЛИКА КУБОГИ — ПОЙТАХТ СПОРТЧИЛАРИДА

Ўзбекистон Мустақиллигининг 17 йиллиги ҳамда «Ёшлар йили»га бағишлаб ўтказилган ушбу кизикарили мусобақаларда Фарғона, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрининг тажрибали авиамодельчилари — спорт усталари билан биргаликда умидли ёш спортчилар ҳам иштирок этдилар.

Беш кун давом этган само спорти бўйича турнирда спортчилар авиамоделининг F-1-A, F-1-B, F-1-C, F-3-A, F-3-B, F-3-C, F-3-D тоифалари бўйича ўзаро куч синашдилар. Унда Александр Муратов (Самарқанд), Демьян Карауллов (Тошкент шаҳри), Юрий Киселёв (Фарғона), Мингбой Маманов (Тошкент шаҳри) ҳамда Владимир Кузмин (Тошкент шаҳри) ғолиб бўлдилар.

Мусобақа якунига кўра умумжамоа ҳисобида барчадан кўп — 4824 очко жамғарган пойтахт авиамодельчилари 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон кубоғи соҳиб бўлдилар. Кейинги икки совринли ўринни Фарғона ҳамда Самарқанд вилояти вакиллари эгалашди.

Мазкур республика кубоғи мусобақаларида мамлакатимизнинг донгдор авиамодельчилари — спорт усталари ҳамда халқаро тоифадаги спорт усталари билан бирга ёш истеъодлар ҳам муносиб тарзда иштирок этганлиги ва қувонарли натижаларни қўлга киритганликлари мухлислар ва устозларни гоъта мамнун этди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг дипломлари ва қimmatбоҳо мукофотлар топирилди.

Республика Техник ва амалий спорт турлари маркази бош директори ўринбосари Шокарим Шоумаров, республика Миллий авиация клуби бошлиғи, полковник Анатолий Чориев ва бошқалар спортчиларни эришган ғалабалари ҳамда яқинлашиб келаётган Энг улуг, энг азиз байрамимизнинг 17 йиллиги билан самимий қутладилар.

(Ўз мухбиримиз)

«Тошкент оқшомии» саломатлик хизмати СОҒЛОМ ЎСГИН, БОЛАЖОН

ФАРЗАНДИНИНГ КУН САЙИН БЎЙИ ЧЎЗИЛИБ БОРАЁТГАНИНИ КУЗАТАЁТГАН ОТА-ОНАЛАР НАҚАДАР ЎЗЛАРИНИ БАХТИЁР ҲИС ЭТИШАДИ. ЛЕКИН ТУГИЛГАНИДАНОҚ ЖУССАСИ КИЧИК БЎЛИБ, КЕЙИНЧАЛИК ҲАМ БЎЙИ ПАСТЛИГИГА ҚОЛАЁТГАН ГЎДАКЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ҚАНЧАЛИК ТАШВИШ ЧЕКИШЛАРИНИ ҲАМ КЎЗ ОЛДИНИГИГА КЕЛТИРИНГ. ТАБИАТНИНГ БУ «ХАТОСИ»НИ ТУЗАТИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗЛАБ БЕРИШНИ ТИББИЁТ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ МУҲАММАДЖОН МИРШАРИПОВДАН ИЛТИМОС ҚИЛДИК.

Олимларнинг аниқлашларича, гўдак аввало она қорнида жуда тез ривожланади: ҳомиладорликнинг 4-ойидан 6-ойигача бўлган давр ораллигида ҳомила ҳафтасига 2,5 сантиметрдан ўсади. Гўдак туғилганидан кейинги бир йил давомида ўсишининг юқори, аммо аста-секин пасайиб борадиган тезлиги сақланиб туради. Гўдак бир йилда ўртача 25 сантиметрга ўсади.

Ўсиш суръатининг пасайиши уч ёшгача давом этади ва шундан кейин то жинсий балоғатга етгунча бир маромдаги ўсиш тезлиги сақланиб қолади. Жинсий ривожланиш даврига келиб, ўсиш жараёни яна фалонлашганини кузатиш мумкин. Қизларда бу ҳолат тахминан 11 ёшда кўзга ташланса-да, ўсишнинг максимал тезлиги 12 ёшга тўғри келади (ўртача йиллик ўсиш 8,3 см).

Шу даврда ўғил болалар «ошиқмай», йилга ўртача 5 см атрофида ўсишади. Қизларда ўсиш суръатлари чўққига эришиб, пасая бошлаётгандагина (13 ёш), ўғил болалар ривожига сакраш юз беради. Тахминан 14 ёшларда уларда ўсиш суръати энг юқори чўққига эришиб, йилга ўртача 9,5 смни ташкил этади.

Қизларда ҳам, ўғил болаларда ҳам ўсиш суръатлари чўққига эришгандан кейинги икки йил давомида (14 ва 16 ёшда) уларнинг йиллик ўсиши 1-2 смга тушиб қолади ва яна бир йилдан сўнг амалда тўхтайдилар. Шундан кейин ҳам бирмунча вақт умуртқаниннг ўсиши давом этади (йилга 2-3 см атрофида).

Бола нега ёмон ўсади? Боланинг ўсишига таъсир этувчи уч омилни келтириш мумкин: яхши овқатланиш, гормонал ривожланишнинг нормал тартибга солиниб туриши ҳамда сунъ-тоғай тизимининг тўғри шаклланиши. Яхши овқатланиш деганда, фақат таомнинг етарли калорияга эга бўлиши ва овқат билан бирга тананга энг ҳужайралар тизими учун барча компонентлар (аминокислоталар, ёқ кислоталари, витаминлар, микроэлементларнинг) кириб келишигина эмас, балки уларнинг яхши сингиб бориши ҳам назарда тутилди.

Чалакурсок (очин-тўқин юриш) бизда кам учраса-да, овқатлар қувватининг тананга син-

гишидаги бузилиш ҳоллари оз эмас. Айнан шу ҳолат болаларнинг нормал ўсишига тўғона бўлади. Ҳомиладорлик вақтидаги турли ёқимсиз таъсирлар (онанинг алкоголь истеъмоли, қўрилиш, ҳомиланинг кислородга тўйинмаслиги, ҳомиланинг нафас олиши ва овқатланишига жавоб берадиган йўлдош функциясининг бузилиши) гўдакнинг ўсиш суръатлари пасайган ҳолда туғилишига олиб келиши мумкин.

Каттароқ ёшда ҳар қандай сурункали хасталиклар — масалан, ичакларга озиклар сўрилишининг бузилиши, тез-тез юз бериб турадиган ўпка-нафас йўллари инфекциялари, юрак етishмовчиликлари, жигар функциясининг бузилиши, буйрак хасталиклари, анемия ва бошқалар бола ўсишини секинлаштириб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўсиш — бола саломатлигининг гоъта сезги индекси бўлиб, деса бўлади. Бу касалликларнинг кўпчилигида уларни даволаб, ўсиш суръатини тиклашнинг илвожи бор.

Бола ўсишини тартибга солишчи асосий омил — соматотроп гормон, яъни ўсиш гормонидир. Ушбу гормон танқислиги кам учрайдиган ҳолат эмас — ҳар 5-10 минг кишида бирида шундай ҳолат учрайди. Мазкур гормон танқислиги наслий, туғма (туғиш вақтидаги жароҳатлар оқибати) ёки кейин пайдо бўлган (мия ўсмаси, бош мия жароҳатлари) бўлиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, эндокрин тизими марказий асаб тизими билан ҳамма қисмида боғланган бўлиб, шу туфайли узоқ давом этадиган стресс ҳолатлари (масалан, бола нуқулдай руҳий-ижтимоий шароитда яшаётган бўлса) ўсиш гормони секрецияси пасаяди ва бундай болалар ёмон ўсади. Ўсиш гормонидан ташқари қалқонсимон без гормонлари, буйракүсти безлари ва жинсий гормонлар ҳам муҳим роль ўйнайдилар.

Нихоят, сунъ-тоғай тизими шаклланишидаги нуқсонлар мавжудлиги ҳолатида ҳам нормал ўсишга эришиш мумкин эмас. Ушбу тизимда бир қанча нуқсонлар мавжуд бўлиши мумкин.

Ўсиш гормони ҳақида батафсилроқ тўхталиш жоиз деб ўйлайман. У 191 аминокислоталардан иборат оқсилли гормон бўлиб,

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ 28 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Бугунги кун кўпроқ туйғулар билан боғлиқ бўлиб, сирли билимларни эгаллаш эҳтимоли кучли. Шу кунги энг умидсиз муаммолар ечимини тўсатдан топишингиз мумкин. Бугун икки-чиқирларга ўралашиб қолмай, муҳим нарсалар ҳақида мушоҳада юритишга ҳаракат қилинг. Кундалик ишларингизни йиғиштириб, яхшилаб ҳордиқ чиқаринг. Фикрни бир жойга жамлаб, мушоҳада юритиш омадли бўлади.

Берган ваъдаларингизни бажариш, ҳар қандай эзгу ишлар хайрли бўлади. Саёҳатларга отланиш тавсия этилмайди. Агар ўзингизни бировлар олдида бурчли деб ҳисобласангиз, ўзгалар бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишлари хавфи мавжуд. Сизга дахли бўлмаган мажбуриятлар елкангизга тушиб қолмиши ҳеч гапмас.

Ошқозон-ичак йўлларида даволаш, гомеопатик дори-дармонларни қабул қилиш, гиёҳлар билан даволаниш самарали бўлиши мумкин. Бир кунга парҳезни «унутиб», ўзингизни яхши кўрган таомингиз ёки ширинликлар билан сийлашингиз мумкин. Тишларни даволатиш ва сунъий тишлар қўйдириш тавсия этилмайди.

Тушларингиз ижодий парвозларингизда сизга кимлар хомийлик қилишидан хабар беради. Қутилмаган воқеа-ҳодисалар фондида тушингиз ўнгидан келади.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳужалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмоли қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий сайъ-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-нона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бўлимида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 3200 нусxada босилади. Қоғоз ёнғими А-2.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6